
ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 3

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 3

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.03.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.03.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.03.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

БЕКПЎЛАТ УМУРҚУЛОВ
Бадиий нутқ – лингвистик тадқиқотлар манбаи 7

НЮБАР ХАКИМОВА
Традиционное врачевание или логманство,
концептуальные и практические направления 15

ПАНЖИЕВ НОРМАХМАТ ПАНЖИЕВИЧ
Синтагматика согласных фонем в узбекском языке
(На материале финальных двучленных сочетаний) 18

TURDIQULOV SHERZOD DUMINOVICH
Teolingvistik g‘oyalarning onomasiologik tadqiqotlarda aks etishi 23

САМАНДАРОВ РУСТАМ ДЎСЁРОВИЧ
Синтактик деривация жараёни ва аппликатив модел 25

TURDIMURODOV SIROJIDDIN ESHQOBILOVICH
Xususiyat, hajm-o‘lchov va hid bildiruvchi
evfemik birliklarning lingvistik xususiyatlari 29

АЛИМАРДАНОВ ЭЛЁР ИЛХОМ ЎҒЛИ
Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тиллари
контактларини ўрганишнинг назарий асослари 32

SAATOVA SURAYYO ISMAILOVNA
O‘zbek tilida lisoniy shaxsni shakllantiruvchi ijtimoiy omillar 37

RAHIMOVA ZEBINISO SHOMANSUR QIZI
Jargonlar presuppozitsiyasi 41

TO‘YCHIYEVA ZULAYHO HAMRAQULOVNA
Zulfiya she’riyatida ayrim frazemalarning qo‘llanish xususiyatlari haqida 45

XUDAYBERGANOVA DILDORA KULMAMATOVNA
O‘zbek tilida zoonimlarning semantik-funksional tahlili
(Ogahiy asarlaridagi zoonimlar misolida) 49

М У Н Д А Р И Ж А

JO‘RAYEVA NASIBAXON G‘ANIYEVNA
Tarixiy asarlar leksikasida eskirgan so‘zlar tizimi 52

XAYDAROVA XURSHIDA
Takroriy taqlid so‘zlar klassifikatsiyasi
(Besh jildli o‘zbek tilining izohli lug‘ati asosida) 57

АНАХОН НАСУРИЛЛАЕВНА ВАПАЕВА
Периоды формирования новейших
слов в узбекском и русском языках 61

ADABIYOTSHUNOSLIK

ҚУРОНОВ ДИЛМУРОД ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ
Адабиётшунослик терминларини ўзбекчалаштириш муаммолари 65

JABBOROV ESHNAZAR
Jahon ma’rifatchiligining sharqona tamoyillari 69

ҚУРОНОВ САЪДУЛЛО ДИЛМУРОДОВИЧ
Ўтиш даври романлари ва инсон концепцияси 71

va nutqda ijodiy va obrazli tafakkur mahsulini ifodalash so‘z ma’nolarining ko‘chimi orqali ham yuzaga keladi. Bunday evfemizmlar tilimizdagi nozik va farqli xususiyatlarni yuzaga keltirishi mumkin.

Resume: In the article, opinions are expressed about the types of meaning of euphemistic units of the Uzbek adjective group, such as characteristic, volume-measurement and smell, and some of their linguistic features.

Резюме: В статье высказаны мнения о типах значения эвфемистических единиц узбекской группы прилагательных, таких как характеристика, объемность и запах, а также некоторых их языковых особенностях.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta’lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ХОРАЗМ ДИАЛЕКТАЛ ЗОНАСИДАГИ ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ТИЛЛАРИ КОНТАКТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Алимарданов Элёр Илхом ўғли,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

Ўзбек тилли массивнинг диалектал зоналарга ажратилиши А.Жўраев томонидан амалга оширилган бўлиб, у ўзбеклар сўзлашувчи 11 та диалектал зонани ва 7 та азонал ҳудудларни қайд этади. Олим Хоразм диалектал зонаси таркибига Хоразм вилояти, Жанубий қорақалпоқ туманлари (Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний, Амударё), Тошҳовуз вилояти (Туркманистон) ҳудудларини киритади ҳамда ўзбек тили ўғуз ва қипчоқ шеваларининг ўзаро таъсири, оралиқ шевалар, шунингдек, зонанинг жанубий-ғарбий қисмида ўзбек ва туркман тиллари, шимолий, шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий қисмларида ўзбек ва қорақалпоқ тиллари ҳамда ўзбек ва қозоқ тилларининг ўзаро алоқалари, яъни контактлари мавжудлигини ёзади[1].

Хоразм диалектал зонасида олим қайд этганидек, ўзбек-туркман, ўзбек-қорақалпоқ, ўзбек-қозоқ тиллари контактлари юзага чиқади. Олим диалектал зоналарни умумий тарзда қайд этаркан, Хоразм диалектал зонасининг жанубий-ғарбий қисмида, яъни Туркманистон билан туташ чегара қисмларида ўзбек-туркман контакт жараёни рўй беришини айтади ва диалектал зонада қозоқ тилли тил ороллари мавжудлигини таъкидлайди. Умуман олганда, А.Жўраев қайд этганидек, ўзбек-туркман контактлари Хоразм диалектал зонасининг нафақат жанубий-ғарбий қисмида, балки диалектал зонанинг марказий ҳудудларида ҳам амалга ошади.

Ўрганишларимиз давомида маълум бўлдики, туркман тилли аҳоли зонанинг чегарадош жанубий (Тошҳовуз вилояти), жанубий-ғарбий (Амударё тумани), жанубий-шарқий (Тупроққалъа тумани Саримой, Нукус йўли маҳаллалари) қисмларида, шунингдек, марказий (Тўрткўл тумани) қисмларида истиқомат қилади ва мазкур ҳудудларда гетероген ареаллар сифатида ўзбек-туркман тиллари контакти амалга ошади.

Ареал лингвистикада контакт тушунчаси икки тил ва шевалар туташган ҳудудларда тил ва шеваларнинг бир-бирига ўзаро алоқасини билдиради ҳамда таъсир натижасида икки тил ёки шевада бир-бирига ўхшаш “ўзлашмалар” юзага келади. Масалан, диалектал зонанинг аксар тур-

[1] Джураев А. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 68.

кман шеваларида қаратқич келишигининг *-ni//-nï* аффикслари қўлланилади. Буни ўзбеклар билан яқин контакт натижаси сифатида келтириш мумкин.

Айтилганидек, контакт тил ёки шеваларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ифода этади ва мавжуд ареалдаги таъсир ҳам, ўзлашмалар ҳам иккитомонлама юзага келади. Контактдаги тил ёки шевалар бири иккинчисидан қайсидир хусусиятларига кўра (сиёсий, маданий, ижтимоий) мавқеи "баланд" бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда тил ёки шеваларнинг ўзаро таъсири тенг ҳуқуқли бўлмасдан "мавқеи баланд" тилнинг таъсири кучлироқ бўлади. Бодуэн де Куртенэ икки аралашувчи тилнинг ўзаро таъсири жараёнини физиологик ва психологик жиҳатдан кўп қўлланилувчи, осон ўзлашувчи тил "ғалаба" қилади, қийин ўзлашувчи тил эса "енгилади" деган эди. Шунингдек, у "ғолиб тил", "мағлуб тил" ёки "осон тил", "қийин тил" каби терминларни қўллайди[1].

Шунга кўра, диалектал зонанинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзбек тилининг таъсири доминантлик қилса, Туркманистон Республикаси (Тошҳовуз вилояти) ҳудудида эса, туркман тилининг таъсири етакчилик қилади. Масалан, ўзбек адабий тили ва ареалдаги ёндош шеваларнинг (Урганч-Хива) таъсири ўлароқ, Хоразм диалектал зонасининг Хоразм вилояти ва Жанубий қорақалпоқ туманларидаги туркман шеваларида ўзбек адабий тилидаги (қарлуқ), шунингдек, ёндош шевалардаги (ўғуз, қипчоқ) каби фонетик, лексик, грамматик ўзлашмалар юзага келган ва бу давом этмоқда. Масалан, туркман ареалларидаги ёшлар нутқида ўзбек адабий тилидаги ā унлиси спорадик равишда, асосан, ўзлашма сўзларда қўлланилишини кузатиш мумкин, ***ālíj, āmmavíj***. Шунингдек, диалектал зонанинг Тошҳовуз вилоятидаги ўзбек шеваларига туркман адабий тили ҳамда ёндош шевалар таъсирида туркман тилига хос **δ ундоши қўлланила бошланган, δa:t,** γï:**δ** каби. Бу икки намуна ҳам фонетик ўзлашмага мисол бўлади.

Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тилларининг ўзаро контактини уларнинг тарихи билан боғлиқ ҳолда текшириш ареал тилшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Асрлар давомида бир географик муҳитда яшаган, доимо иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлган ўзбек ва туркман халқлари қолдирган маданий мерос ҳозирги ва келажак авлод учун бебаҳо хазинадир. Туркман шоирлари Алишер Навоийни ўзларига устоз билиб, ундан намуналар олганлар. Шеъриятда Навоий изидан бориб, унинг ғазалларига мухаммаслар, назиралар боғлаганлиги тадқиқотларда қайд этилган[2]. Б.Қорраев шундай дейди: "Ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий туркман шоирларининг ҳам маънавий падари, устози ҳисобланади. У туркманларнинг эски ёзма адабиёти тараққиётига самарали таъсир кўрсатган. Навоий асарларининг туркман шоирлари ижодий фаолиятида ўйнаган роли бебаҳодир"[3]. Туркман мумтоз шоири Маҳтумқулининг Навоийни устоз деб билишининг ўзи ўзбек ва туркман халқлари адабий алоқаларининг асрлардан бери давом этиб келаётган дўстона ҳамкорлиги рамзидир.

А.Жўраев ўзбек тилли массивда ўзбек ва туркман тилларининг контакти Хоразм диалектал зонаси, Бухоро диалектал зонаси ҳамда Чоржўй азонал ҳудудларида рўй беришини қайд этади. Шунингдек, ўзбек-туркман тиллари контакти Қуйи Қашқадарё диалектал зонаси, Сурхондарё диалектал зонаси ҳамда Учқудуқ-Зарафшон азонал ҳудудларида ҳам амалга ошиши маълум бўлди. Масалан, Қашқадарё воҳасида (Қуйи Қашқадарё диалектал зонасида – А.Э.) 50 мингдан ортиқ туркманлар истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги Миришкор, Нишон ва Муборак туманларида яшайди[4]. Сурхондарё диалектал зонасида ҳам туркманларнинг сони салмоқлидир. Зонанинг Термиз тумани, Термиз шаҳри, Музработ туманларида туркман тилли аҳоли истиқомат қилади. Демак, мазкур ареалларда ҳам ўзбек ва туркман контактлари рўй беради ва бу ҳали ўрганилиши кутилаётган мавзулардан.

Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тиллари контактини текширишда баъзи муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш керакки, бу ҳолат изоглассаларнинг тарқалиш чегарасини белгилаш ва мазкур тилларнинг таксономик хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тиллари ҳақида гап борар экан, иккаласининг ҳам ташкил топишида ўғуз компонентининг асосий роль ўйнаганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак бўлади[5]. Ўзбеклар билан туркманлар ўртасидаги алоқа генетик томон билангина чекланмайди. Ўзбек уруғлари орасида туркман номли уруғнинг

[1] Бодуэн де Куртенэ. Избранные труды по общему языкознанию. т. I. – Москва, 1963. – С. 362.

[2] Кесаев М. Эдибият тарыхының кәбир меселелери. – Ашгабат: Түркмендәвнешир, 1963. – С. 25.

[3] Қарриев Б. Навоий ва туркман адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1968. № 3.

[4] Karimova S. Qashqadaryo viloyatidagi turkman milliy madaniy markazi faoliyati // «Экономика и социум» № 4 (95)-2 2022. – В. 199-201. https://cyberleninka.ru/article/n/qashqadaryo-viloyatidagi-turkman-milliy-madaniy-markazi-faoliyati

[5] Сапаров М. Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 12-13.

бўлиши, туркманларда ўзбек уруғларидан баъзиларининг номи учраши бу икки халқ муносабатлари тарихининг илдизлари ниҳоятда чуқур эканлигидан далолат беради[1]. Шу жиҳатдан, диалектал зонадаги ўзбек ва туркман тилларида ўғуз тилларига хос умумий изоглассалар мавжуд. Яъни, туркий тилларнинг ўғуз туркуми изоглассаларининг инновацион маркази сифатида умумийлик касб этади. Масалан, анлаутда ундош товушларнинг жаранглилашуви ***(t > d, k > g)***, бирламчи чўзиқ унлиларнинг мавжудлиги каби изофонлар, қаратқич келишигининг *-iŋ / -ïŋ / -üŋ / -uŋ*, жўналиш келишигининг *-a / -ä(e)*, келаси замон шакли *-äẑäk* аффиксининг қўлланилиши каби изоморфлар, лексик фондда ҳам *ät (ғўшт), qarï (эшик, дарвоза), atïz (экин майдони), gäšir (сабзи), čürek (нон)* каби ўғуз туркум тилларига хос изолексларнинг қўлланилиши ва ҳоказолар. Ўғуз туркум тилларига хос изофонлар сўз бошида ундошларнинг жаранглилашуви ***(t > d, k > g)***:

[1] Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва, 1976. – С. 214-230.

Ўзбек адабий тили	Хоразм ўғуз шевалари	Зонадаги туркман шевалари	Турк тили	Озорбайжон тили
til	*dil*	*dil*	*dil*	*dil*
tog‘	*daγ*	*daγ*	*dağ*	*dağ*
ko‘z	*gö:z*	*gö:***ð** */ gö:z*	*göz*	*göz*
ko‘k	*gö:k*	*gö:k*	*gök*	*gök*

Келишик аффиксларида ўғуз туркум тилларига хос изоморфларнинг ифодаланиши:

Ўзбек адабий тили	Хоразм ўғуз шевалари	Зонадаги туркман шевалари	Турк тили	Озарбайжон тили
otning, go‘shtning	*a:tnï / a:tïŋ, ätni / ätiŋ*	*a:tïŋ, ätiŋ*	*atın, etin*	*atın, ətin*
qo‘lga, daraxtga	*älä, aγača*	*älä, aγača*	*ele, ağaça*	*ələ, ağaca*
otni, so‘zni	*a:tnï / a:tï, sözni / sözi*	*a:tï, s/θöz/***ð***i*	*atı, sözi*	*atı, sözi*

Бу каби умумий изоглассаларнинг мавжудлиги қариндош тилларнинг тарихан бир тармоқдан тарқалгани билан ифодаланади ва бундай изоглассалар тизимли изоглассалар дейилади[2]. Диалектал зонадаги ўзбек ва туркман тиллари нафақат бир оила ва бир гуруҳга мансублиги, шунингдек, кейинги даврда ҳам бир давлат таркибида, айни ижтимоий муҳитда яшаганлигини инобатга олиш лозим. Шунга кўра, диалектал зонадаги изоглассаларни ўғуз туркум тиллари нуқтаи назаридан умумий, шу жумладан, айни бир ижтимоий муҳитда яшаганлиги учун фақат диалектал зонадаги ўзбек ва туркман шеваларига хос бўлган фонетик, лексик, грамматик изоглассаларни фарқлаш лозим. Таъкидлаш лозимки, тил (шева) – ижтимоий ҳодиса, жамият билан боғлиқ равишда ривожланади, тараққий этади. Бир вақтлар Хива хонлиги таркибида бўлган ўзбек ва туркман тилларида бошқа ўғуз туркум тилларидан фарқли ўлароқ, фақат иккисигагина хос бўлган умумийареалогик хусусиятлар (изоглассалар) мавжуд. Масалан, анлаут ҳолатида лаб ундошларининг ўзаро алмашинуви **b > v, b > m** бошқа ўғуз туркум тиллари учун характерли бўлса, ўзбек ва туркман тилларида эса, бу ҳолат кузатилмайди. Масалан, ўзбек (Урганч-Хива): *barmaɣ, bermäk, män;* туркман: *barmaq, bermäk, men;* турк: *varmak, vermek, ben;* озарбайжон: *varmak, vermek, bən/ mən.* Бундай изоглассалар бир ареалдаги тил ва шевалар учун умумийлик касб этади.

Шунингдек, баъзи изоглассалар борки, нафақат ўзбек ва туркман тилларига балки, диалектал зонадаги қорақалпоқ ва қозоқ тилларига ҳам ҳосдир. Бу ҳолат айниқса, лексикада яққол намоён бўлади, масалан, *hava/ ava (ha, xo‘p), azan (erta), arqa (shimol), atïz (ekin maydoni), bahar (bahor)* сифатнинг орттирма даражасини ҳосил қилувчи *dïm (juda), čïqar / šïqar* боғламаси ва бошқалар. Бундай изоглассалар диалектал зонадаги ўғуз гуруҳига мансуб ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси ва туркман тилларигагина хос бўлган умумий изоглассалар бўлиб, бошқа ўғуз тилларида бундай изоглассалар йўқлиги билан эса, уларга нисбатан фарқли изогласса вазифасини бажаради. Кўринадики, айни бир вақтда умумий бўлган изогласса, бошқа ҳолатларга нисбатан фарқли изогласса функция-

[2] Ashirboyev S. Areal lingvistika. – Toshkent: Bookmany print, 2023. – B. 44.

сини ҳам бажаради. Масалан, туркий тилларнинг ўғуз тармоғига мансуб тиллари фонетикаси учун умумий изоглассаларидан бири бирламчи чўзиқликнинг мавжудлиги бўлса, мазкур хусусият туркий тилларнинг бошқа туркум тилларига нисбатан дифференциалдир. Шунингдек, ўғуз туркум тиллари учун, айни диалектал зонадаги ўзбек ва туркман тиллари учун хос бирламчи чўзиқликнинг қўлланилиши бир хил эмас. Шу жиҳатдан умумий бўлган изоглассалар, ўз ичида фарқли изоглассаларни ҳам юзага чиқаради. Масалан, диалектал зонадаги туркман тили, шунингдек, аксар туркман шевалари ва туркман адабий тилида **e:** изофони (спорадик равишда *he:lk, je:lk, se:lk, ge: / ge:l* каби сўзлардагина қўлланилади) деярли учрамайди ва фонологик қимматга эга эмас. Аммо диалектал зонадаги ўзбек тилида **e:** изофони кенг қўлланилади ва фонологик аҳамиятга эга ҳисобланади: *gečä (kechga), ge:ǯa (kecha), er (jasur), e:r (erta), eš (o‘ramoq), e:š (do‘st), ješ (yechmoq), je:š (kim) (hech kim), bez (uyatsiz), be:z (bo‘z)*. Кўриниб турибдики, умумий изоглассалар ўз ичида фарқли изоглассаларни ҳам юзага чиқаради.

Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тилларининг фарқли изоглассалари икки тил фонетикаси, грамматикаси, лексикасининг фақат биттасигагина хос изоглассалар ҳисобланади. Диалектал зонадаги ўзбек ва туркман тиллари туркий тилларнинг ўғуз туркум тилларига хос бўлса-да, икки тилни ўзаро фарқловчи изоглассалари мавжуд. Масалан, ўзбек адабий тили ва қипчоқ шеваларидаги **q** товушининг артикуляцияси диалектал зонанинг ўғуз шеваларида бироз фарқли бўлиб, турк тилидаги каби ƙ **(k)** товушидек талаффуз этилади. Лекин туркман шеваларида ўзбек адабий тилидаги каби **q** товуши мавжуддир. Масалан, ўзб. адаб. тил. *qirq, qizil,* Урганч-Хива шева. ƙ*ïrƙ, ƙïzïl,* туркм. шева. *qïrq, qïzïl,* турк. ƙ*ırk,* ƙ*azan.* Лекин озарбайжон тилида бу товуш орқа қатор **g** ва **k** оралиғидаги g га (g*ïrq,* g*ïzïl*) ўтади[1]. Мисоллардан кўринадики, ушбу жиҳатдан Хоразм ўғуз шевалари турк тили билан умумийликни ҳосил қилади, туркман тили ва шеваларининг эса фарқли изоглассаси юзага чиқади. Худди шундай озарбайжон тилидаги орқа қатор **g** ва **k** оралиғидаги g изофони озарбайжон тилини бошқа ўғуз тилларидан фарқловчи изоглассаси ҳисобланади. Шунингдек, диалектал зонанинг туркман шеваларида аксар ҳолларда ўзбек адабий тили ва қипчоқ шеваларида қўлланилувчи анлаутдаги **q** **ундоши ү га ўтади:** ўзб. адаб. тил. *qora, qozon, qiz,* Урганч-Хива шева. ƙ*ara,* ƙ*azan,* ƙ ï:z / ƙ ï ʲz, туркм. шева. *ɣara, ɣazan,* ƙ ï z, *озарб. gara, gazan, gïz.* Бу ҳолат ҳам туркман тилини фарқловчи изоглассасига мисол бўла олади.

Хоразм ўғуз шеваларида аксар ҳолларда қаратқич келишиги тушум келишиги аффикслари билан ифодаланади. Туркман шеваларида эса, қаратқич келишиги алоҳида аффикслар орқали *(-iŋ, -ïŋ, -üŋ, -uŋ, -niŋ, -nïŋ, -nüŋ, -nuŋ)* ифодаланади. Масалан, ўзб. *üjni äldi, ašnï tä:mi,* туркм. *ü:jiŋ äldi, a:šnïŋ tä:mi.* Бу каби изоглассалар грамматик жиҳатдан ўзбек ва туркман тилларининг ўзига хос изоморфларини ифода этади.

Бундай фарқли изоглассалар тил ёки шеванинг контакт хусусиятларини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Масалан, диалектал зонанинг аксар туркман ареалларида туркман тилидаги каби **q** нинг ўрнига Хоразм ўғуз шеваларидаги каби ƙ нинг ишлатилиши ёки қаратқич келишигини айни тушум келишиги билан берилиши каби ўзлашмалар дастлаб диалектал зонанинг ўзбек тилигагина хос изогласса бўлиб, икки тил контакти натижасида туркман шеваларига ҳам ўзлашган.

Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тилларининг контакти натижасида бир ареалда қўшни яшаётган икки тил фарқли изоглассаларини ўзаро бир-бирига ўзлашади ва бундай изоглассаларни ўзлашма изогласса дейиш мумкин. Ўзлашма изоглассалар тўлиқ ва бир хил ҳолатда ўзлашмайди, вақт ўтгани, шунга кўра бир тилнинг иккинчисига таъсирининг ортиб бориши сари янгиланиб, ўзгариб боради.

Икки тил / шеванинг контактини ўрганишда дастлаб уларнинг умумий-генетик ва фарқли изоглассаларни аниқлаш лозим. Фақат биттасигагина хос фарқли изоглассаларнинг иккинчисига ўтиши контакт изоглассасини юзага чиқаради. Шунга кўра, Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тилларининг контактини аниқлашда икки тилнинг ўзаро умумий, фарқли изоглассалари асосида ўзаро икки тил кесишган ареалларда ўзлашма изоглассалар юзага чиқади.

Шу асосда диалектал зонадаги ўзбек ва туркман тилларида турли лингвистик сатҳларда фонетика, грамматика ва лексикадаги умумий, фарқли ва ўзлашма изоглассаларни аниқлаш муҳим вазифалардан биридир.

Айтиш жоизки, икки тил ўзбек-туркман ёки туркман-ўзбек контактида “таъсир” масаласи шартлидир. Сабаби, Ўзбекистон туркманлари шеваларига ўзбек тилининг таъсири кучли бўлгани каби Туркманистон ўзбек шеваларига туркман тилининг таъсири кучлидир. Бу ареалнинг қайси давлат таркибида бўлгани билан боғлиқ. Шунинг-

[1] Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. – Москва: Наука, 1986. – С. 30.

дек, туркман тили шевалар билан контакти натижасида тил ўзгаришлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Масалан, кузатишларимиздан аён бўлдики, Сурхондарё вилояти Термиз туманида яшовчи туркманлар ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси вакиллари билан ёнма-ён яшашлари сабаб уларнинг шеваларида ҳам қипчоқ унсурлари юзага келган. Масалан, Термиз тумани Халқобод маҳалласи вакиллари нутқида маҳаллий қипчоқ шевалари элементлари кўзга ташланади, *enä, ata, äkä* каби. Шунингдек, Бухоро шеваларининг туркман тилига таъсирини А.Шихиев ўзининг монографиясида қайд қилади[1]. Лекин ҳали ўзбек-туркман тиллари контакти масаласида кенг-кўламли ўрганилиши керак бўлган тадқиқотлар талайгина. Шу жиҳатдан, ўзбек-туркман тиллари контактини шевалараро таъсири юзасидан қуйидагича ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

– Ўзбек тилининг ўғуз шевалари ва туркман тилининг ўзаро таъсири (Хоразм диалектал зонаси ва Бухоро диалектал зоналаридаги ўзбек ва туркман тиллари контакти);

– Ўзбек тилининг қипчоқ шевалари ва туркман тилининг ўзаро таъсири (Сурхондарё диалектал зонаси, Қуйи Қашқадарё диалектал зонаси, Шимолий Қорақалпоғистон азонал ҳудудларидаги ўзбек ва туркман тиллари контакти);

– Ўзбек тилининг қарлуқ шевалари ва туркман тилининг ўзаро таъсири (Бухоро диалектал зонаси ва Учқудуқ-Зарафшон азонал ҳудудларидаги ўзбек ва туркман тиллари контакти);

Тилларнинг ўзаро таъсири 3 хил усулда амалга ошади:[2] а) тилларнинг ўзаро мажбурий йўлдаги таъсири (ғолиб тил мағлуб тилнинг устидан ғолиб келиши); б) тараққий этган давлатларнинг илм, техника, иқтисодиёт, маданият ва бошқа жиҳатларини ўрганиш натижасидаги ўзаро таъсири; в) аралаш яшайдиган халқларнинг турмуш фаолияти натижасида тилларнинг ўзаро таъсири. Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тилларининг алоқаси 3-турдаги тил контактига мансубдир.

Диалектал зонадаги туркман шеваларига ёндош шевалар кўча-куйда, мулоқот жараёнида туркман тилига ўз таъсирини ўтказади. Давлат тили ўлароқ, ўзбек адабий тили таълим, ОАВ, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни тўлиқ эгаллагани каби, ҳеч бўлмаганда мазкур соҳалар доирасида туркман тилига таъсир этади. Шунга кўра, туркманлар шевасига ўзбек тилининг таъсири иккитомонлама бўлиб, шева ва адабий тил орқали ўз контактини амалга оширади.

Тил контакти жараёнида иккитиллилик жуда катта ўрин тутади. Иккитиллилик – билингвизм ёки диглоссия терминлари билан ифодаланади. Билингвизмнинг юзага келиш шароити, унга таъсир этадиган факторларнинг хусусиятига қараб, иккитиллиликни “табиий” ва “сунъий” усулда юзага келиши адабиётларда қайд этилган. “Табиий” усулда юзага келадиган иккитиллилик кўпроқ халқларнинг яшаш шароитлари таъсирида, ҳаёт талаблари натижасида содир бўлади. Бунда халқларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари асосий фактор саналади. “Сунъий” иккитиллилик эса ўз она тилидан ташқари бошқа бир тилни ўрганиш жараёнида юзага келади. Хоразм диалектал зонасидаги туркман ареалларидаги ўзбек ва туркман иккитиллилиги “табиий” йўл орқали шаклланган ҳисобланади.

Икки тилда сўзлашиш даражасига кўра, Л.В.Щерба икки тиллиликни шартли равишда “соф” ва “аралашма” иккитилликка ажратади[3]. Маълум нутқ вазиятида бир тилда, бошқа лисоний вазиятда иккинчи тилда сўзлаша олиш “соф” иккитиллилик саналади. Сўзловчининг бир вақтда икки тил сўз фондидан фойдаланиб фикрини ифодалаши “аралашма” икки тиллиликдир. Ўзбек ва туркман тилларининг контактлари, уларнинг ўзаро таъсири, бир-бирига муносабати масаласи ҳақида маълумотларни Ўзбекистон туркманлари ва Туркманистон ўзбеклари ҳамда ўзбек ва туркманлар туташ ҳудудлар шеваларини ўрганган тадқиқотчилар ишларида кузатишимиз мумкин. Хусусан, М.Сапаров[4], Р.Йўлдошев[5], К.Раҳимова[6], С.Аразкулиевларнинг[7] тадқиқотлари шулар жумласидандир.

[1] Шихиев А. Туркменские говоры Бухарской области. – Нукус: Билим, 1996. – 159 с.

[2] Аразов А. Қарақалпақстан түркменлериниң сөйлеў тили менен қарақалпақтилиниң өз ара тәсири ҳәм интерференция қубылылсы. Филол. фан. ном. док. ... Дисс. – Нукус, 2007. – Б. 10-11.

[3] Щерба Л.В. Преподавание иностранных языков в средней школе, раздел «Понятие в двуязычии». – Москва: Издво АПН РСФСР, 1947. – С. 54-55.

[4] Сапаров М. Ўзбек ва туркман тилларининг ўзаро муносабатлари // Ўзбек тил ва адабиёти. – Тошкент, 1980. №3. – Б. 35-39; Ўша муаллиф: Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. – Тошкент: Фан, 1988. 117 б.

[5] Йўлдошев Р. Тошҳовуз вилоятидаги ўзбек шеваларининг лексик хусусиятлари. – Тошкент, 2002.

[6] Рахимова К. Узбекские говоры Туркменской ССР (Морфология). Канд. Филол. наук. ... Дисс. – Ташкент, 1983..

[7] Аразкулыев С. Гарагалпагыстан АССР-ның Дөртгүл районындакы түркмен геплешиклери. – Ашгабат, 1961. Ўша муаллиф: Хорезм түркменлериниң геплешиклери барада кәбир маглуматлар. Изв-я АН ТССР, сер.общ.наук, 1978, №5, - С. 72. Ўша муаллиф: Гарагалпагыстан түркмен геплешиклеринде гарындашлик терминлери. – Ашгабат, 1987.

Резюме. Маълумки, Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек тилининг ўғуз шевалари генетик жиҳатдан туркий тилларнинг ўғуз туркумига бориб тақалади. Шунга кўра, диалектал зонадаги ўзбек (ўғуз) ва туркман тилларида ўзига хос умумий хусусиятлар бор. Мақолада Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тилларининг ўзаро алоқаси ҳақида сўз боради.

Resume. It is known that the Oghuz dialects of the Uzbek language in the Khorezm dialectal zone are genetically related to the Oghuz group of Turkic languages. Accordingly, the Uzbek (Oghuz) and Turkmen languages in the dialectal zone have their own common features. The article talks about the interaction of the Uzbek and Turkmen languages in the Khorezm dialectal zone.

Резюме. Известно, что огузские диалекты узбекского языка Хорезмской диалектной зоны генетически родственны огузской группе тюркских языков. Соответственно, узбекский (огузский) и туркменский языки в диалектной зоне имеют свои общие черты. В статье говорится о взаимодействии узбекского и туркменского языков в Хорезмской диалектной зоне.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

O‘ZBEK TILIDA LISONIY SHAXSNI SHAKLLANTIRUVCHI IJTIMOIY OMILLAR

Saatova Surayyo Ismailovna,
Mirzo Ulug‘bek nomidagi
O‘zbekiston Milliy universiteti o‘qituvchisi

Keyingi yillarda dunyo tilshunosligida tilni o‘rganishda yangidan yangi tadqiq usullarining yuzaga kelishi natijasida yangicha yondashuvlarga ehtiyoj sezilmoqda. Tilshunoslikda antropotsentrik paradigmaning yuzaga kelishi, ya'ni tilda insonning, insonda tilning tahlil qilinishi yangi sohalarning ham yuzaga kelishiga sabab bo‘ldi. Ayniqsa, tilni undan foydalanuvchi til egasining shaxsiy sifatlari: millati, diniy mansubligi, yoshi, jinsi, kasb-kori, ruhiyati, ijtimoiy mavqeyi, dunyoqarashi, bilim darajasi kabi omillar bilan bog‘liq holda tadqiq etishga e'tibor qaratildi. Tilning amaliy-vazifaviy imkoniyatlarini kommunikativ jarayonda o‘rganishga jiddiy kirishildi.

Tilshunoslarning bu kabi qarashlari nutqni yaratish va ishlatish jarayonlarida insonning yetakchi rolini tan olish bilan bog‘liq[1]. Yangi lingvistik paradigmada nutq yaratuvchi insonni o‘rganish jarayonida tilshunoslar, madaniyatshunoslar, sotsiologlar, faylasuflar manfaatlari to‘qnashishini taqozo qiladi. Y.K.Voloshin to‘g‘ri ta‘kidlaganidek, “Ko‘p yillar davomida tilshunoslar “jim odam” ni o‘rganishdi. Til va odamlarni har tomonlama o‘rganish tadqiqotchilarni “nutq so‘zlovchi odam” ning barcha jihatlariga jiddiy e'tibor berishga undadi.[2] Lingvopersonologiyaning asosiy o‘rganish predmeti lisoniy shaxs bolib, tilshunoslikda bu termin 90-yillardan boshlab keng qo‘llana boshlagan. Bu tushuncha birinchi marta 1927-yili nemis tilshunosi Y.Vaysgerberning “Ona tili va ruhning shakllanishi” nomli risolasida paydo bo‘lganligi ilmiy adabiyotlarda qayd etiladi[3].

Lisoniy shaxs ko‘p qirrali tushuncha bo‘lib, uni yuzaga chiqaruvchi omillar ham xilma-xildir. Lisoniy shaxsni shakllantirishda, ayniqsa, lingvistik omil bilan bir qatorda ekstaralingvistik omillar hisoblangan: kishining lavozimi, kasbi, hunari, mavqeyi, yoshi, jinsi, dini, millati va boshqalar muhim ahamiyat kasb etadi. Inson kommunikatsiyani yuzaga keltiruvchi bosh

[1] Волошин Ю.К. Общий американский сленг: состав, деривация и функция (лингвокультурологический аспект 222): Монография. – Краснодар: Кубан. гос. ун-т, 2000. – 280 с.

[2] Волошин Ю.К. Общий американский сленг: состав, деривация и функция (лингвокультурологический аспект): Монография. – Краснодар: Кубан. гос. ун-т, 2000. – 282 с.

[3] Usmanova Sh. Lingvokultrologiya. – Toshkent, 2019. – B. 179.